**2003 YIL 23 SENTYABR, SESHANBA**

# Qishloq HAYOTI

*O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi*

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 121 (6.646). Sotuvda erkin narxda

# ҚАҲРАМОННИНГ НИЯТИ

**ДАВР**

***Президентимиз Фармонига кўра Жомбой туманидаги Хўжам Незаматов номли ширкат хўжалиги раиси Аваз Эргашевга "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвони берилди.***

-Хушхабарни эшитганда дастлаб қулоқларимга ишонмадим. Менми, дедим. Балки ҳазилдир, - деб ўйладим. Сўнг радионинг қулоғини бурадим, янгиликда эшитгач, очиғи, қувончдан пахтазорда ўтириб қолибман. Ахир ўғилли, неварали бўлганимда ҳам бунчалик ҳаяжонланмаган эдим-да.

Ҳайдовчим қўрқиб кетди, дарров уйга ҳайдади машинани. Юз қизарган, гапимни йўқотиб қўйганман. Янгангиз нуқул сўрайди: "Тинчликми отаси, нима гап... Дўхтир чақирайликми?.."

Янгиликни бир амаллаб айтгунча ҳаммани қўрқитибман денг.

Қишлоқда гап ётади, дейсизми? Бирпасда уйимиз тўйхонага айланди. Қариндошлар билан тўлди. Ҳаяжоннинг зўрлигидан ким келди, ким кетди, сезганим ҳам йўқ.

Аваз ака жўяклар оралайди. Пахта етилаяпти, ҳар туп ниҳолда 30-35 та очилаётган кўсак бор. У жилмаяди.

-Тушга кирмаган қувонч-да бу. Тағин қачон денг, Мустақилликнинг мучал тўйи арафасида. Очиғини айтсам, шундай катта шарафга сазовор бўлганимга газетангизни олгач Президентимиз Фармонини, расмимни кўриб тўла ишондим. Аваз Эргашев – Ўзбекистон Қаҳрамони. Эшитгандан, кўрган, ўқиган бошқа-да. Президентимизнинг катта эътибори, ҳурмати бу. Аслида бу юксак мукофот шу ниҳолларни гўдагидек ардоқлаб ўстирган, керак бўлса тунлари ой ёруғида пайкалга сув тараган заҳматкаш жомбойлик деҳқонларнинг меҳнатига берилган баҳодир...

У қўлини пешонасига соя қилиб олисларга қаради. Ниманидир чамалади, сўнг чаноқдаги пахтани кафтига қўйиб сўради.

-Бу қайси нав? Биласизми?

Хато қилиб қўймаслик учун ўйлай бошладим.

"Оқдарё-5", ё "С-6524"ми, балки "Юлдуз" навидир?

Аваз ака жавобимни кутмай ўзи айта қолди:

-"Омад". Икки йилдирки, шу навни экаяпмиз. Зўр. Ўтган йили пахтамиз яхши ҳосил берди. Вилоятда биринчи бўлдик. "Омад" бизга омад келтирди. 346 гектар пахтазордан 1200 тонна юқори сифатли хом ашё сотдик. Пахтачиликдан 39 миллион сўм фойда кўрдик. Шу сабабли пахта майдонини 370 гектарга кўпайтирдик. Насиб этса 10 октябрга шартномани уддалаш ниятидамиз. Ахир энди биринчи бўлмасак уятга қоламиз.

-Бу йил пахта бироз кеч етилаяпти чоғи.

-Ростини айтайми, баҳона қидирсангиз доимо топилади. Тўғри, об-ҳавони аҳамияти катта. Аммо ақлли одам ҳар дақиқадан унумли фойдаланади. Яхши от кейин чопади, деган гап деҳқончиликда кетмайди. Уч кун ёлчитиб овқат емай бирдан нонуштага ўтиринг, бир бўлак луқмаям томоққа тиқилади. Пахтаям шундай. Расамади билан парваришни шудгордан бошланг, экишни, ўғитлашу сувни вақтида беринг, қуёш ҳам сизга кулиб боқади. Бирор нарсага тишингиз ўтмай қолса ҳеч қиси йўқ. Зўр деҳқонларимиз бор, сўранг, айтади.



Раис ижарачи Нормурод Амировнинг даласига бошлади. Ўрта бўйли, қорамағиз, гапга чечан киши экан Амиров деганлари.

-Қандай ишлаганимизни экиннинг аҳволидан кўриб турибсиз, - дейди деҳқон. – Умуман олганда эса, хўжалигимизнинг номи дастлаб Хўжам Незаматов раис бўлган чоғларда тилга тушганди. Пахта хирмонга сиғмай кетувди. Сўнг ўртада бир барака қочди. Ишловчига нисбатан бошлиқ кўпайиб кетди-да. Ширкат усулига ўтгач яна аҳволимиз ўнгланди. Даромадга яраша буромад. Меҳнатга яраша ҳақ. Қишлоқларимиз ҳам обод бўлиб қолди. 1 та янги мактаб қурилиб, иккитаси таъмирланди. Тўт қишлоғида қишлоқ врачлик пункти қурилаяпти. Пахта, ғалла даромадли бўлмаса, бу ишларни қилиб бўладими? Шу сабабли Аваз акани одамлар яхши кўради. Президентимизнинг эътиборларидан эса бутун хўжалигимиз аҳли хурсанд. Ахир айни бизнинг жамоа раҳбари Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди-да.

Нормурод Амиров бу йил жамоада биринчи бўлиб шартномани уддалаш ниятида эканлигини айтди.

-Раисимиз ғолибга рангли телевизор ваъда қилган, мукофотни бировга бериш ниятим йўқ, - дейди ижарачи. -Инсонни, айниқса, далада ишлаётган кишининг кўнгли жуда нозик бўлади, - дейди Аваз ака. - Мана икковимиз шу деҳқонга бир оғиз ҳорманг, дедик, ҳолини сўрадик, гапини эшитиб маъқулладик. Эртага уч-тўрт ижарачилар ўртасида мақтаб қўяман. Шу билан унинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилади. Аслида шу одамлар раиснинг кучу қуввати, улар менинг томирларим. Мени элга танитиб, Қаҳрамон қилган ҳам шу одамлар. Шулардан ажралиб яшашим мумкинми? Асло. Шу боис доимо офтоб чиқмай гоҳ пиёда, гоҳ уловда дала айланаман. Муаммолар ҳам йўл-йўлакай ҳал бўлиб кетаверади.

(Давоми 3-бетда)

# МДҲНИНГ ЯЛТА САММИТИ

***ЯЛТА, 19 сентябр. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун эрталаб Ўзбекистон Рспубликаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди.***

Мулоқот асосан Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболига бағишланди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов МДҲ саммитининг асосий воқеалари бўлиб ўтадиган Ливадия саройига йўл олди.

Ливадия саройида аввал МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда МДҲ доирасида интеграция жараёнини чуқурлаштиришга, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқаларни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисини Украина Президенти Леонид Кучма очди.

Саммитда кўрилган масалалар кўлами кенг. Бироқ муҳокама этилган масалаларнинг асосий қисми давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланди. Президентлар 2010 йилгача иқтисодиёт соҳасидаги ўта муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш режасини тасдиқлади. Мазкур ҳужжат Ҳамдўстлик ҳудудида эркин савдо зонасини яратиш ҳамда ёқилғи-энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштиришни кўзда тутади.

Саммитда МДҲ органлари фаолияти, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган масалалар муҳокама қилинди.

Бу йил МДҲ тузилганига ўн икки йил тўлади. Саммит иштирокчилари ана шу ўтган даврда тузилма доирасида қилинган ишлар ва олдинда турган вазифалар, ҳал қилинмаган муаммолар хусусида фикрлашди.

МДҲ ҳақида гап кетганда, унинг Ҳамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар тарихида тутган ўрни ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Зеро, орадан ўн икки йил ўтиб, МДҲ бизга нима берди, деган савол туғилиши табиий. Президент Ислом Каримов саммитга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида ушбу саволга қуйидагича жавоб берди.

- МДҲ фаолиятининг ижобий томонлари кўп. У собиқ империя парчалангандан кейин эски тузум сарқитларини тугатишга ҳисса қўшди.

Парчаланган империя ўрнида мустақил давлатлар юзага келди. Лекин, улар ўртасида турли соҳалар бўйича, жумладан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар узилиб қолмади. Халқларимиз ўртасида ўзаро борди-келди тўхтаб қолгани йўқ. Буларнинг барчаси МДҲнинг ижобий томонларидир.

Таассуфки, Ҳамдўстлик саммитларида сиёсий ва ҳарбий масалаларга кўпроқ эътибор бериб келинди. Шу мақсадда талайгина ҳужжатлар имзоланди. Биз эса ташкилотнинг иқтисодий фаолиятидан кўпроқ манфаатдормиз.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг бу галги мажлиси ҳисоб бўйича ўттиз олтинчиси. Ана шу учрашувлар давомида юзлаб ҳужжат имзоланган. Уларнинг барчаси ҳам ҳаётга жорий қилиндими ва самара беряптими? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин, албатта. Бироқ, шу маълумки, МДҲга аъзо мамлакатлар турли соҳадаги ўзаро алоқаларни, турли даражада бўлса-да, давом эттириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу маънода МДҲнинг Ялтада бўлиб ўтган навбатдаги саммити иқтисодий ҳамкорлик масалаларига кенг эътибор берилганлиги билан аҳамиятлидир.



**"Меҳнат қилган элда азиз" дейдилар. Элликқалъа туманидаги "JOHUBEP" қўшма корхонаси тикув цехида тўққиз йилдан буён хизмат қилиб, касбдошларига ҳар жабҳада ўрнак бўлаётган Дилором Мадраимованинг ҳам туманда ҳурмати баланд. У бу шарафга меҳнаткашлиги ҳамда ўз касбига бўлган чексиз муҳаббати туфайли сазовор бўлмоқда.**

**СУРАТДА: Дилором Мадраимова.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# МЕЗОН – ТАБИАТДАН ЭҲСОН

**ИҚЛИМ**

***Халқимизда "Мезон – табиатдан эҳсон", деган гап бор. Зотан, мезон тўкинлик фасли, барака дегани. Куни кеча салқин шабада эсиб, сунбула ўз ўрнини тўкин-сочинлик ойи мезонга бўшатиб берди...***

Бу ой бошланганини одатда "мезон шамоли" эсиб, ҳавода момиқсимон толачалар – "ҳаво мезони" (халқда "ҳаво қаймоғи" деб юритилади)нинг учиб юришидан билса бўлади. Қадимда одамлар "ҳаво қаймоғи"га қараб, қиш фаслининг қандай келишини ҳам башорат қилишган.

Мезон ўн икки буржнинг еттинчиси. Бу ойда қуёш мезон буржига кириб, ҳижрий йилнинг иккинчи ярми бошланади. Тун кун билан тенглашади.

Мезон сўзининг луғавий маъноси "ўлчов", "меъёр" ва "тенгма-тенг" дегани. Илк кўкламдан бошлаб мезон киргунча ўтган ярим йилда етишган ҳосил ушбу ойда тарозига тушади. Шунинг учун ҳам мезон ойи мўл-кўлчилик, хирмон кўтариш ойи, деб қаралади. Унинг хосияти ҳақида халқимизда турли иборалар тилдан-тилга ўтиб келган. Масалан: "Мезон шамоли едирмай, куз мевасини узма", "Мезон шамолини емаган мева-сабзавот қишга чидамайди" ёки "Мезон шамоли киши рангини тиниқлаштиради".

Деҳқончиликда шошма-шошарлик ўринсизлигини билган боботдеҳқон экинига обдон мезон шамолини едириб, сўнгра ҳосилни йиғиштира бошлайди. Барча дон-дун: шоли, маккажўхори, мош, мева-сабзавот йиғим-терими мезондан кечиктирилмагани маъқул. Акс ҳолда ёмғирли кунлар бошланиб, ҳосил сифатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

-Мезонда қишга сақланадиган қовун,



тарвуз, қовоқ, пиёз, сабзи, шолғом, турп, лавлагилар йиғиб олиниб, шудгорлаш ишлари бошлаб юборилади, - дейди Р.Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими Маҳдий Раззақов. – Бу ойда дарахтларга шакл берилади, узумлар кесилиб, Тошкент шароитида кўмилади. Кези келганда айтиб ўтай, кўпчилик ток устига 8-10 см қалинликда тупроқ тортади. Оқибатда ҳимоя қатлами юпқалиги боис токни қаҳратон қишда совуқ уради. Шу боис узум танасини 20-25 см қалинликда тупроқ билан кўмилиши мақсадга мувофиқ.

Мезон шамоли пахта учун ҳам жуда фойдали, бу даврда кўсаклар ёппасига очилади. Ушбу ойнинг ўрталарида об-ҳаво салқинлашиб, ерга шудринг тушади, ёмғир ёғиши мумкин. Кўпчилик қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетади. Менз бир суғури, қўшоёқ ва қўнғир айиқлар бу даврда ҳаракатчан бўлиб, қишки уйқуга ҳозирлик кўра бошлайди.

Сунбулада сув тинса, мезонда зангорилашади. Ақрабда эса зумрадлашиб кетади. Бу ҳам табиат қонуни. Шу кунларда йиғим-терим ишларини жадаллаштириб, ақраб эшик қоққунча, асосий юмушларни саранжом-саришта қилиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

**Саид РАҲМОНОВ**

# ОРОЛБЎЙИДА ТЕРИМ БОШЛАНДИ

***НУКУС. /ЎзА мухбири Аминбой ОРТИҚБОЕВ/. Амударё тумани пахтакорлари Қорақалпоғистонда биринчилардан бўлиб пахта теримини бошлади.***

Бу йил 17 минг 300 гектар майдонда ҳосил етиштирган туман пахтакорлари 32 минг 500 тонналик хирмон бунёд этиш йўлида меҳнат қилмоқда.

Манғит пахта тозалаш заводи - «Юлдуз» акционерлик жамиятида бўлиб ўтган тантанада Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб йиллик режани уддалаган «Азимбойхўжа» фермер хўжалиги пахтакорларига махсус мукофот топширилди.

- Жорий йилда режамиз янада улкан,- дейди фермер хўжалиги раҳбари Ибодулла Хўжаметов. - Ҳар гектардан олинадиган ҳосилни 40 центнерга етказамиз. Давлатга 40 тоннадан ортиқ пахта сотиб, 9 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаяпмиз.

Бу йил 80 минг гектар ерда деҳқончилик қилган Оролбўйи пахтакорлари йиғим-терим мавсумига жадал киришди. Қонликўл, Элликқалъа, Қўнғирот ва Беруний туманлари пахтакорлари ҳам салмоқли хирмон яратиш йўлида дастлабки қадамларни ташлади.

**МАВСУМ**

***Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Валиобод» фермер хўжалиги давлатга 26 тонна пахта топшириб, вилоятда биринчилардан бўлиб шартнома-режани бажарди.***

# ФЕРМЕРЛАР МАРРАГА ЕТДИ

- Ўртачўл шароитида об-ҳавонинг ноқулайликларига қарамай кутилганидан зиёд ҳосил тўплашга эришдик, - дейди хўжалик раҳбари Раъно Валиева. - Бу йил 15 гектар майдонда ғўза парваришлаб, ҳозирча 18 центнердан ҳосил олдик. Ҳали далаларда ҳосил мўл.

Тумандаги «Феруза» фермер хўжалиги ҳам биринчи теримдаёқ давлатга пахта сотиш шартнома-режасини уддалади.

# ҚАДДИ БУКИЛСА-ДА, БОШИ ЭГИЛМАДИ

**ЭЙ, УМРИ АЗИЗ**

***Умр – омонат, ёшлик – ўткинчи. Аллақачон ҳассага таяниб, оқсоқланиб қолган Мамат бува бир замонлар оёғидан олов чақнаган йигит эди.***

Мамат Шеров асли Бухородан. Қизилтепа тумани урушгача Бўстон, деб аталарди. Тошработдаги колхоз раҳбарларидан бўлган отаси Шерназар Элназаровни 1938 йили ярим кечада олиб кетишди. Ўшанда чирқиллаб қолган Мамат ўн яшар бола эди. Отасини қайтиб кўрмади. У замонда "халқ душмани" бўлган одамнинг оиласи бошига не кўргулик ёзилган бўлса, Мамат барини кўрди. Уйлари талон бўлди, мактабдан қувилди...

Бу орада уруш бошланди. Ўлимдан хўрлик ёмон: дўст-у душман оёқости қилаверганидан зада бўлган болакай фронтга бормоқчи бўлди. Биқиниб поездга чиқиб олди, аммо Ховосда вагондан тушириб юбордилар. Сўнг Бекободдаги ФЗУ-ҳунар мактаби: шўрлик бола шу даргоҳда қайта туғилди, янги ҳаёт бошлади. Ҳунарларнинг кам-кўстини Фарҳод ГЭСида ўрганди, кейинроқ Тошкентдаги ГЭС қурилишида кўзи пишди.

Мамат Шеров Қирғизистондаги Тўхтағул, Тожикистондаги Норак ГЭСлари қурилишида, кислород цехида ишлади. Ўшанда қўлида 37 ишчи аёл бўлиб, кунига 500 баллон кислород тарқатарди. Сўнг бир гуруҳ ҳамкасблари билан Хитойга юборишди, темир йўл, энергетика линияси, совун ва пиво заводлари қурилишида ишлади. Ундан сўнг Миср – Асвон тўғони. Қурувчиларни бортига олган самолёт Қоҳирадан учиб, Афғонистоннинг Жалолобод шаҳрига қўнди. Мамат ака бу мамлакатнинг Қарки, Ничка, Кароматниёз деган жойларида бўлди.

-Биз ишлаган ерлар саҳро, қум эди, - дейди у. – Оёқ боссангиз тиззагача ботади, газанданинг ҳамма хилидан бор. Ҳар илонларки, қўй-эчкини тикка ютади. Қаркида Чекин деган рус йигити бўғма илоннинг домига тушиб қолди. Биз бир неча киши ёрдамга етиб борганимизда илон уни ярим ютиб қўйган эди. Ўн чоғли одам илонни базўр даф қилиб, Чекинни ажратиб олдик, лекин у ўлиб бўлганди.

(Давоми 2-бетда)

**ЭЪЗОЗ**

***Академик Рихард Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг номини эшитмаган, билмаган одам камдан-кам топилса керак.***

Унинг жамоаси кўп йиллардан бери республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўтган давр мобайнидаги институт фаолияти икки фан дарғаси – Рихард Шредер ва Маҳмуд Мирзаевлар номлари билан боғлиқ. 1898 йилда иш бошлаган бу даргоҳ Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси негизида ташкил қилинган.

# ЯХШИЛАРНИНГ БОҒЛАРИ АЗИЗ

(Давоми 3-бетда)

# АБДУОЛИМ НЕГА САРСОН БЎЛДИ?

**ТААССУФ**

***Ҳайдаров Абдуолим фермер бўлмоқчи бўлди. Белини беш жойидан бойлади. У 2-3 ой ичида фермерлик ташкил қилиб, бор кучим ва ақлим билан ишлайман, насиб этса, юзим ёруғ бўлади, деб ўйлади. Абдуолим билмасди, фермерлик ташкил қилгунча "халажидан терс ўтиш" керак. Хўжалик бошлиғи-ю, туман ҳокими "Фермер бўлмоқчимисиз, марҳамат, тадбиркорлик қилинг", деб очиқ кўнгиллилик билан кутиб ўтирибди, дейсизми? Шундай раҳбарлар бордир. Аммо Шўрчида бошқачароқ. Абдуолимнинг рўпарасидан "тошли ва тиконли" йўллар чиқди.***

Бошланиши яхши бўлди-ёв... Усмон Дониёров номли ширкат хўжалигининг Оққўрғон ҳудудида яшовчи Абдуолим Ҳайдаровнинг аризасини хўжалик вакиллар йиғилиши кўриб чиқди. 2001 йил 15 августда қарор қабул қилди. Унга кўра, "Оққўрғон" маҳалласи ҳудудидаги собиқ 11-пахтачилик бригадаси экин майдонидаги 342, 343, 344-контурлардан "Сурхон" дарёси қирғоғи атрофида жойлашган, белгиланган режани бермаётган, қумли ва шўр ер майдонидан, паст балли 12 гектар ерни хўжалик аъзоси Ҳайдаров Абдуолимга фермер хўжалиги ташкил этиш учун ажратиш белгиланди. Абдуолим дўпписини осмонга отди. Иш хамирдан қил суғургандек бораяпти. Хурсанд бўлди. Туман ҳокимиятига мурожаат қилди. Ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқиш туман комиссияси фермер хўжалигини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ , деб хулоса берди. Ҳужжатлар туман ҳокимига тақдим этилди. Энг катта тўсиқ шу ерда экан. Абдуолим боши берк кўчада турарди. 15 кунлик муддат ичида туман ҳокими фермер хўжалигини тузиш ҳақида қарор чиқариши ёки рад этиши керак.

(Давоми 2-бетда)

**ТУРМУШ**

***Саҳобалардан бири ўз хотинидан шикоят қилмоқ учун халифанинг эшигини қоқди.***

Бироқ халифанинг хотини ҳам ўз эрига терс жавоб қайтаргани қулоғига чалиниб кетмоққа чоғланди. Аммо улгура олмади. Халифа уни ичкарига чорлаб, мулозамат кўрсатди. Ташриф боисини сўради. Мақсадни англагач, шундай деди:

# КЕЧИРИМЛИ ДУНЁ

-Хотинларимиз уйимизни супуриб-сидирарлар, овқат пиширарлар, боламизни боқарлар. Қувончимизга қувониб, қайғумизга шерик бўларлар. Инчунун, ҳурматимизни жойига қўйиш борасида баъзан камчиликка йўл қўйсалар, бунинг ҳеч бокиси йўқ. Кечиримли бўлайлик.

Айтишларича, саҳоба уйига қайтиб, бўлган воқеани хотинига сўзлаб берган ва улар бир умр аҳил яшаб ўтишган экан.

(Давоми 4-бетда)

# ПАҲЛАВОН МАҲМУД ИБРАТИ

**ҚАДРИЯТ**

***Хоразмликларда шундай бир яхши удум бор. Тўй давраларида кураш тушиб, ғолиб келган полвонларга ёш болани бериб, "Дуо қилинг, сиздек кучли, соғлом, паҳлавон бўлсин!" дейишади.***

Бу сўз замири остида асли хоразмлик машҳур полвон Паҳлавон Маҳмуд (Полвон Пир, Полвон ота, Пурёрвалий деб улуғлашган) кароматли валий инсон руҳлари ётади. Паҳлавон Маҳмудни кўҳна тарихий манбаларда "Пурёрвалий" деб ёзсалар, тириклик вақтида Эронда полвонлар пири, юртдошларимиз уни турли касалликларни даволовчи Полвон ота, деб эъзозлашган. Паҳлавон Маҳмуд тўғрисида элимизда жуда кўп ривоятлар бор. Бу ривоятларни халқимиз юрак тубида, қалбларида асраб келмоқда. Ривоят қилишларича, Хоразм ҳукмдори бир куни уни тўсатдан йўқлатади. Ҳиндистон подшоси катта сайр ўтказишга қарор қилиб, унга турли мамлакатлардан меҳмонлар чақирилган, бу тантаналарда кураш бўлиши белгиланганди. Паҳлавон Маҳмуд подшоҳнинг амрига мувофиқ Ҳиндистонга қараб йўл оладилар. Маҳмуд ҳинд элининг қадамжо ерларини зиёрат қилиш мақсадида хондан рухсат олиб, кўчага чиқади. Ногаҳон, зиёратчилар орасида мунгли нола қилаётган бир онахонга кўзи тушади. Унинг олдига бориб йиғисининг сабабини сўрайди.

-Мен ҳинд шоҳи саройидаги полвоннинг онасиман. Ўғлим эртага хоразмлик Маҳмуд полвон деган одам билан беллашар экан. Агар ўғлим енгилса, шоҳ бизни саройдан ҳайдайди. Яшашдан маҳрум бўламиз, - дебди.

-Хотиржам бўлинг, Хоразмдан келган полвон ўғлингизни йиқитолмайди, ўғлингиз ғолиб бўлади, - дейди Маҳмуд.

Кураш узоқ давом этади. Иккала томон бир-бирларини бир неча марта улоқтириб ташлаб, ҳаммани ҳайратда қолдирадилар.

(Давоми 4-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:** МУҚОВАДАГИ ОШИҚЛАР | ПЎПИСА | ИЧАКДАГИ ОЛТИН

# ҚАҲРАМОННИНГ НИЯТИ

(Боши 1-бетда)

Шу куни 123 оилавий пудратчини бирлаштирган ширкатнинг кўпчилик пайкалларини айландик. Ҳар даланинг ўз эгаси, ўз меҳнаткаши бор. Кимдир пахтани саралаб тераяпти, кимдир сабзавот ва полиз маҳсулотларини йиғиш билан овора. Келгуси йил ҳосили учун дон экиб ерини суғораётган ғаллакорлар ҳам оз эмас. Диққат билан эътибор берсангиз одамлар бурунгидек раҳбарнинг кўзи, юзи учун далага чиқмаган, манфаатдорлик уларни бу ерга етаклаб келган. Кўчалар равон, хўжалик ҳудудидаги 8 та қишлоқ тўлиқ газлашган. Рўзғор тебратиш, оила даромадини ошириш масаласида ҳам Аваз Эргашев кўпчиликка ибрат. Эргашевлар хонадони бир қарашда қишлоқдаги бошқа уйлардан унчалик фарқ қилмайди. Бир оила бемалол яшаса бўладиган хонадон. Дарвозадан киргач ҳовлидаги анвойи гулларга кўзингиз тушади. Атроф саранжом-саришта. Уй соҳибаси нозиктаъб, ораста ли аёл экан-да, дея ўйлайсиз. Томорқанинг бир четида 4 сотихлик иссиқхона бор.

-Бозордан ҳеч нарса сотиб олмаймиз ҳисоб, - дейди Аваз Эргашев. – Балки ўзимиздан ортганини сотамиз. Иссиқхонамда 40 туп лимон бор. Йилига уч маротаба сабзавот экамиз. Соф даромад 2 миллион сўмдан ошади. Бундан ташқари 15 бош қўйимиз бор. Ана қўрада турибди. 30 га яқин товуқларни боқиш эса янгангизнинг зиммасида. Тағин неварам бобо, қуён боқайлик, деяпти. Насиб этса, буниям йўлга қўйсак, рўзғоримизда парҳез гўшт ҳам бўлади. Ана шунда яна бир келасиз.

-Буларнинг ҳаммаси озмунча ташвиш эмас, қандай улгурасиз?

-Фойдаси келиб тургач улгурасиз-да, - дея ҳазил қилиб кулади хонадон соҳиби. – Яна бир жиҳати, болаларим, невараларим тарбияси учун керак бу. Бекор қолишдими қўйга, товуқхонаю иссиқхонага қарашади. Кўчада ўйинқароқлик қилишса эл гапиради-да, "раиснинг боласи эркатой, отасининг пулига юради-да", дейди. Мен бу гапни кўтаролмайман. Қолаверса, фарзандлар тарбиясида ҳам элга ибрат бўлишим керак эмасми?

Шу пайт дарвоза тақиллаб бир гуруҳ қишлоқ оқсоқоллари кириб келишди. Раисни тўйга айтиб келишган экан. Хўжалик аъзоси Салим Жўраев ўғилчасини суннат қилдиряпти. Тўйга отландик.

-Етакчилик, ҳурматли бўлиш осон эмас, - дея сўзини давом эттирди Аваз ака. – Гоҳида баъзи жамоалар раҳбарга ёлчимаётганини эшитиб куйиб кетаман. Айрим одамлар эса раис бўлгач ўз жамоасининг омборига очкўзлик билан қарайди. Ҳеч ким билмайди, кўрмайди қабилида иш тутади. Ярат-масдан борини йўқотишга тушади. Бундай раисни сўкинг, индамайди, айби бор-да. Бундай раисга одамлар, оқсоқоллар ишонмайди ҳам. Аслида эса раҳбар тадбиркорлигу, ҳалол даромад топишда, меҳнат туфайли яхши яшашда ҳам бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Шундай эмасми?

Тўй баҳона қишлоқнинг улуғи, 96 баҳорни қаршилаётган Тошпўлат бобо Жўраев билан гурунглашдик. Унинг айтишича, шундай замонда тинч-тотув яшашнинг ўзи катта бахт. Энг олий мукофотга сазовор бўлиш эса Яратганнинг сийлови.

-Қаҳрамон чиқди қишлоғимиздан, мен буни эшитиб бир мучал ёшардим, - дейди Тошпўлат бобо. – Бунинг учун Юртбошимизга раҳмат дейман. Соғ бўлсин, саломат бўлсин. Илойим у киши ҳам менинг ёшимга етиб, ундан ўзиб юрсинлар.

Аваз Эргашев бу йил ҳам пахта шартномасини вилоятда биринчи бўлиб уддалаймиз деди. Ниятингизга етинг дедим, унга омад тиладим.

Жомбойдан қайтаяпман-у, Қаҳрамоннинг бир гапи қайта-қайта ёдга тушади. "Мени машҳур қилган мана шу қишлоқнинг оддий одамлари. Уларнинг иззатини жойига қўйиб, ҳурматини қозонмай бўладими?.."

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЯХШИЛАРНИНГ БОҒЛАРИ АЗИЗ

(Боши 1-бетда)

1903 йилдан 1944 йилгача тажриба станциясига академик Рихард Шредер раҳбарлик қилган. Бу даргоҳ дастлаб боғдорчилик, узумчилик билан бир қаторда пахтачилик, сабзавотчилик, толали экинлар, шоли, ғалла, озуқа экинлари бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борган. Станция негизида бир қатор янги илмий муассасалар, тармоқ тажриба станциялари ташкил топди, кейинчалик улар институтларга айлантирилди.

– Рихард Шредер мамлакатимиз боғдорчилигини илмий асосга солган дастлабки олимдир. - дейди Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Тошболтаев. - У илк бор мевали ўсимликлар коллекциясини барпо этиб, уларнинг 200 дан ортиқ навларини ўрганган, "Тилла олма", "Искандар", "Навоий", "Дастурхон" каби 10 дан ортиқ янги олма навларини яратган ва меваларни районлаштириш усулларини ишлаб чиққан.

Рихард Шредернинг "Уруғлик боғларда ҳосилдорлик даврийлиги", "Мевали дарахтларнинг чангланиш масалалари" ва "Қисқартириб кесишнинг олма ривожи ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишга доир тажрибалар" каби монографик асарларида келтирилган илмий хулосалар кўплаб ёш тадқиқотчилар учун янги навларни яратишда дастуруламал бўлиб келмоқда.

Олимнинг пахтачилик фанига қўшган ҳиссаси ҳам бекиёс. Унинг "Ўрта Осиёда ғўза ўсимлиги" ва "Ўрта Осиё пахтачилик минтақаларининг иқлими" китоблари айниқса қимматлидир. У яратган ғўзанинг тезпишар ва совуққа чидамли "Шредер" нави ўз даврида жуда машҳур бўлиб, Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Шимолий Кавказ ва ҳатто Украинада ҳам экилган.

Рихард Шредер ўз тадқиқотларида маҳаллий шароитга мослашган янги навларни яратишга алоҳида эътибор берган. У 1911 йилда лалмикор деҳқончилик бўйича Америка Қўшма Штатларида ўтказилган VII Халқаро Конгрессга делегат бўлиб қатнашган ҳамда у ерда АҚШнинг етакчи районларидаги пахтачилик ва боғдорчиликнинг ҳолати билан яқиндан танишган. У олиб келган дуккакли экинлар, жўхори ва ғўза навлари Ўзбекистон шароитида синаб кўрилган. Рихард Шредер Америкага қилган сафари натижалари бўйича 1913 йилда "Америка қишлоқ хўжалиги очерклари" монографиясини эълон қилди.

Олимнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижаларини "Ўзбекистоннинг тоғолди ва тоғли ҳудудларида узумчилик" ва "Ўзбекистонда тоғ боғдорчилиги" деб номланувчи монографияларидан ҳам билса бўлади. Мазкур асарларда республикамизнинг турли адир, тоғолди ва тоғли ҳудудларида мева ва узум етиштиришга мос бўлган жойларни аниқлаш, бундай ҳудудлар шароитининг узум, мевали дарахтлари ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига таъсири, муайян қиялик ва баландликлар учун мос бўлган навларни яратиш ёки танлаш, нотекис майдонларда шундай неъматларни етиштиришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш каби долзарб илмий масалалар кенг ёритилган.

Рихард Шредер Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станциясида директор ва илмий раҳбар бўлиб ишлаб, умрининг 42 йилини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлади. Боғдорчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича фанни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳали у ҳаётлик пайтидаёқ, яъни 1928 йилда тажриба станциясига унинг номи берилди.

1945 йилдан кейин боғдорчилик ва узумчиликнинг янада ривожлантириш учун олимлар ва ишлаб чиқариш мутахассислари олдига янги вазифалар қўйилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон боғдорчилик тажриба станцияси 1947 йилда академик Р.Р.Шредер номидаги мевазавор илмий-тадқиқот институтига айлантирилди.

1949 йилдан то 2000 йилгача бўлган даврда мазкур илмий-тадқиқот институтини бошқарган академик Маҳмуд Мирзаевнинг номини ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш лозим. Маҳмуд Мирзаев республикамизда боғдорчилик ва узумчилик соҳалари бўйича қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлардан. У боғдорчилик ва узумчиликнинг селекция, агротехника, қайта ишлаш ва бошқа масалаларига бағишланган 300 га яқин илмий асарлар ёзди.

Назария билан биргаликда амалиётни ҳам пухта билган Маҳмуд Мирзаев мева-узум етиштиришнинг барча жараёнларида тадқиқотлар ўтказиш, илмий натижаларни дала синовларидан ўтказиш, асосланган таклиф ва янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш – концепциялаш ташаббускоридир.

-Маҳмуд Мирзаев ҳақиқий жонкуяр инсон эди, - дейди илмий-тадқиқот институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Юрий Жавакянц. – Ундан жуда катта тажриба ва қилган меҳнатларининг меваси қолди. Буни фақатгина у билан елкама-елка туриб ишлаган одамларгина эмас, балки қишлоқ хўжалиги соҳасига алоқадор барча бирдек яхши билади.

Маҳмуд Мирзаев 1983 йилда ВАСХНИЛнинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. 1991 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлар академияси, 1995 йилда Россия қишлоқ хўжалиги Фанлар академиясининг академиги бўлди. 2000 йилда эса у Халқаро узумчилик ва виночилик академиясининг академиги этиб сайланди.

Қишлоқ хўжалиги фанларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун академик Маҳмуд Мирзаев "Дўстлик", "Эл-юрт ҳурмати" орденларига сазовор бўлди.

Мустақилликнинг 12 йиллик байрами арафасида Президентимизнинг Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинади. Унга кўра бошқа фан ва маданият намояндалари қаторида икки академик – Рихард Шредер ва Маҳмуд Мирзаевлар "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотландилар.

-Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрами арафасида отамга ва қолаверса устозимга бундай юксак мукофотнинг берилишидан ғоят ҳаяжонланиб кетдим, - дейди Маҳмуд Мирзаевнинг ўғли, айни пайтда Рихард Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори Мақсуд Мирзаев. – Бу биз учун ҳам шараф, ҳам катта масъулиятдир. Насиб қилса, юртимиз қишлоқ хўжалиги равнақига ўзининг катта ҳиссасини қўшган марҳум устозларимизнинг йўлидан биз ҳам боришга ҳаракат қиламиз, уларнинг ишларини бундан кейин давом эттирамиз. Устозларимиз – Рихард Шредер ва Маҳмуд Мирзаевларнинг хотирасини ёдга олиб, уларни давлатнинг мана шундай юксак мукофоти билан тақдирлаган Юртбошимизга оила аъзоларимиз ва институтимиз жамоаси номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Ҳар икки академик боғбонликда олим, ўнлаб, юзлаб олимларнинг эса боғбони эдилар. Улар тамал тошини қўйган мамлакатимиз боғдорчилиги ҳамиша яшнаб турсин, устозу шогирдлик анъаналари боқий бўлсин.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ЭЛЧИХОНА ОЛДИДА МИТИНГ

***Шанба куни АҚШнинг Россиядаги элчихонаси олдида бир неча минг киши "тижорат" урушига қарши норозилик намойишини уюштиришган.***



Улар биринчи ўринда АҚШнинг Ироқдаги ҳаракатларига қаршиликларини эътироф этиб, "Йўқолсин тижорат уруши" деган ёзувлар билан чиқишган ва Новинский кўчасидаги экранда Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар кўрсатилган. Намойишда Россия Давлат Думаси депутати Алексей Митрофанов нутқ сўзлаб, Ироқдан АҚШ ҳарбийларини олиб чиқиб кетишга чақирган. Унинг айтишича, ҳарбий техникалар Ироқдаги вазиятни янада чигаллаштиради, уларни олиб кетиш керак, деган ғояни илгари сурган.

## ЛАТВИЯ ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА ҚЎШИЛАДИ

***Латвия кейинги йил май ойидан расмий равишда Европа Иттифоқи (ЕИ) таркибига киради.***



Аҳоли фикрини билиш мақсадида ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра аҳолининг аксарият қисми ЕИга қўшилишга розилик билдирган, деб хабар беради НТВ телекомпанияси.

Болтиқ бўйидаги бу мамлакатда референдумдан анча олдин кўчаларда ЕИга қўшилишга ундовчи ёзувлар пайдо бўлган эди. Рига марказида одамларнинг хурсандчилик намойишлари бошланган ва ҳамма референдум натижалари ижобий бўлишини олдиндан билган.

Латвия ЕИга номзод бўлган давлатларнинг энг сўнггиси эди. Айрим социологлар аҳолининг катта қисми Европа Иттифоқига қўшилишга салбий муносабатда, сўров натижаларининг салбий бўлишини айтишган эди. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Латвия аҳолисида ҳозирдан "янги замон" бошланишига умид уйғонган.

## "КОНКОРД"НИНГ ИНҚИРОЗИ

***Қачонлардир Европа авиакомпаниясининг фахри бўлган "Конкорд" ҳозирда ўзига бўлган ишончни йўқотган, деб хабар беради НТВ телекомпанияси.***



Душанба куни Нью-Йорк-Лондон йўналиши билан учаётган самолёт Буюк Британиянинг Кардиф аэропортига қўнишга мажбур бўлган. Самолёт Атлантика океани устидан учиб ўтаётганда двигателларидан бирида носозлик юзага келган ва кўп ёнилғи сарфлай бошлаганлиги оқибатида фавқулодда қўнишга мажбур бўлган. Самолёт бортида бўлган 105 йўловчидан ҳеч бири жароҳатланмаган ва улар Лондонга автобусда етиб келишган. Ушбу "омадсиз" парвозда иштирок этган йўловчиларнинг кўпчилиги энди "Конкорд"да учмаслигини айтишган.

## РОССИЯ САМОЛЁТИ ИНДОНЕЗИЯДА

***Шанба куни "Рособорон" ташкилоти бошлиғи Александр Батурин ва Индонезия Давлат Таъминот қўмитаси бошлиғи Виджанарко Пуспойо билан олтита қирувчи самолётни Индонезияга сотиш бўйича келишув имзоланди. Бу битим 193 миллион долларни ташкил қилади.***



Бир оз олдин Индонезияга "СУ-27СК" қирувчи самолётидан 2 та ва "СУ-30МК" самолёти, МИ-35 ҳарбий вертолёти келтирилган эди. Кейинги тўрт йилда Индонезия ҳарбий ҳаво кучлари Россиянинг 44 ҳарбий техникаси ва яна 12 самолёт билан бойитилади.

## АМЕРИКАЛИКЛАР ЯНА БОЙИМОҚДА

***Америкадаги 2 йиллик иқтисодий пасайишдан сўнг яна мамлакатдаги бизнес кўрсаткичлари кўтарилмоқда.***



"Forbes" журнали маълумотларига кўра АҚШнинг энг бой кишиси Билл Гейтс ўтган йилда иқтисодий аҳволини уч миллиардга оширди. Ҳозир у 46 миллиард долларга эга. Шунингдек, "Microsoft" компаниясининг яна бир вакили Пол Аллен ҳам жорий йилги даромади бир миллиардни ташкил қилиб, умумий маблағини 22 миллиардга етказди. Жаҳоннинг энг бой кишилари қаторида Билл Гейтсдан сўнг иккинчи ўринда турувчи шахс Уоррен Бафетнинг маблағи 36 миллиард долларга тенг.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 13 сентябрда Бўриева Маъмура Қудратовна номига берилган ҳунармандчилик-миллий кийим тикиб сотиш ҳуқуқи қайд этилган № 0921036-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 18 мартда Зияев Азизжон Анварович номига берилган № 006659 (рўйхат рақами 1449) сонли савдо ҳуқуқи қайд этилган лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКМИ? ЛОҚАЙДЛИК!

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

***Ҳамма соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳам ўзининг асосий босқичига кирди.*** Ерни ҳақиқий эгаси – фермернинг ихтиёрига тўлиқ бериш ишлари кун сайин жадаллаштирилмоқда. Ушбу йўналишда паст рентабелли ва истиқболсиз деб топилган иқтисодий ночор хўжаликларни тугатиб, илгари уларнинг тасарруфида бўлган ерларни ялпи ҳолда фермерларга бўлиб бериш республика бўйича ўзининг кутилган самарасини кўрсатмоқда. Бу борада ҳукуматимизнинг дастлабки тегишли қарорлари билан тўлиқ ҳолда фермер хўжаликларига айлантирилган кўплаб жамоа ва туманларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ёппасига фермерликка асос солишган Ёзёвон, Ромитан, Меҳнатобод ва Мирзаобод туманларида аллақачонлар таъкидлашга арзигулик ижобий кўрсаткичлар бор. Ш.Рашидов ва Оқ олтин туманларида ҳам ерлар тўлиқ фермерлар қўлига ўтгач натижалар салмоқли бўла бошлади. Бундай ўзгаришлар ҳукуматимиз томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қаерда янги ташкил этилган фермерларга хизмат кўрсатувчи ва таъминловчи корхоналар томонидан қулай шарт-шароит яратиб берилган бўлса, ўша жойда тезроқ ўсиш кўзга ташланиши, дадил оёққа туриб олиши кузатилмоқда. Биз юқорида тилга олган туманлардаги фермерчилик ҳаракати бўйича эришилаётган ижобий натижалар баайни уларга яратиб берилган инфратузилма шохобчалари фаолиятини яхшилаш йўлга қўйилганлигидадир. Ҳукуматимиз қарорларида бу масала алоҳида кўзда тутилган бўлиб, жумладан Марказий банк, "Қишлоқхўжаликкимё", "Ўзнефтмаҳсулот", "Ўзагромашсервис" акционерлик компаниялари олдига муҳим вазифалар қўйилган. Афсуски, шундай бўла туриб айрим вилоятларда тегишли молия муассасалари томонидан банк хизматини мижозларга яқинлаштириш мақсадида қишлоқ жойларида мини банклар очишга, фермерларга техник хизмат кўрсатишда лозим бўладиган муқобил машина-трактор паркларини тузишга, фермерларни минерал ўғит ва нефть маҳсулотлари билан таъминлайдиган инфратузилма шохобчаларини талаблар даражасида бунёд этишга етарлича эътибор берилмаяпти. Қарор ижросини назорат қилиш бўйича тузилган ҳукумат комиссияси томонидан ушбу муҳим ҳужжатнинг жойларда қай тарзда бажарилаётганлигини матбуотда ёритиш айнан бизнинг "Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририяти зиммасига юкланганлиги боис бу мавзуда муттасил равишда туркум мақолалар бериб келаяпмиз. Яқинда ҳукумат қарорининг Навоий вилоятидаги ижросини ўрганиб қайтдик. Қишлоқларда очилган мини банкларни, муқобил машина-трактор паркларини, фермерларга хизмат кўрсатувчи "Қишлоқхўжаликкимё" дўконлари ва ёнилғи маҳсулотлари билан таъминловчи шохобчаларни бориб кўрдик. Бу борада ўтган даврда вилоятда тегишли муассаса ва корхоналар томонидан айнан фермерлар учун инфратузилма шохобчалари бунёд этилганлигини айтиб ўтмоқ лозим. Бугун тугатилган собиқ хўжаликлар негизида ташкил топган фермерлар ушбу шохобчалар хизматидан ўз вақтларини тежаб, шаҳар ва туман марказларига овора бўлиб қатнамасдан, қишлоқнинг ўзида баҳраманд бўлмоқдалар. Улар мана шундай шарт-шароитнинг юзага келишига етарлича асос яратиб берган ҳукуматимиздан, шахсан Президентимиздан миннатдорлар. Бу ғамхўрликка жавобан ишда фаоллик кўрсатиб, баъзи иқтисодий муаммоларни енгиб, ибратли меҳнат қилишяпти. Аммо ҳукумат қарори чиққанидан бери роса 9 ой ўтганига қарамай баъзи бир корхоналар томонидан фермерлар учун инфратузилма шохобчаларини бунёд этишга астойдил киришилмаганлиги бизни ажаблантирди. Хусусан, Навоий нефт маҳсулотлари шўъба унитар корхонасида ана шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Ҳукумат қарорига кўра жорий йилнинг бошида Навбаҳор туманида 2 та ва Нурота туманида 1 та хўжалик тугатилганлиги муносабати билан ушбу собиқ жамоаларнинг ёнилғи қуйиш шохобчалари Навоий нефт маҳсулотлари корхонаси ҳисобига ўтказилган, шу боис қўйилган талабга биноан ушбу шохобчалар белгиланган муддатда тўлиқ таъмирдан чиқарилиши ва фойдаланишга топширилиши лозим эди. Корхона раҳбари Фарҳод Раҳимовнинг таъкидлашича, бу ишлар учун "Ўзнефтмаҳсулот" АК томонидан зарур маблағ ҳам ажратилган. Аммо шундай бўла туриб белгиланган таъмирлаш ишлари ҳали ҳам ниҳоясига етказилмабди. Масалан, Навбаҳор туманидаги "Навбаҳор" фермерлар уюшмасига хизмат кўрсатувчи эски ёнилғи қуйиш шохобчаси ўрнида янги АЁҚШ қуришга киришилган экан. Баъзи юмушлар амалга оширилганлигига қарамай иш негадир айни вақтда тўхтаб турибди. Қулай шарт-шароит яратилмаганлиги боис ёнилғи маҳсулотлари амалдаги талабларга зид равишда тарқатилмоқда. Натижада оператор Муҳаммад Сафаров шароит йўқлигидан АЁҚШ ҳовлисидаги дарахтлар кўланкаси остига қўйилган каравотда ўтириб, иш юритмоқда. У ўз вазифаси нималардан иборат эканлигини, ҳатто уюшмада фермерлар сони қанча эканлигини ҳам яхши билмайди. Чунки оператор "Ўзнефтмаҳсулот" АКси ташаббуси билан очилган ўқув марказида малакасини оширмаган. Озгина саъй-ҳаракат билан ушбу шохобча қурилишини ниҳоясига етказиш ва қулай иш тартибини йўлга қўйиш мумкин.



Шу тумандаги собиқ "Зарафшон" ширкат хўжалигининг ёнилғи қуйиш шохобчасини таъмирлаш эса бутунлай кечикиб кетган. Амалда фаолият юритаётган шохобча эса ҳеч қандай талабга жавоб бермайди. Мавжуд ускуналарнинг ҳаммаси эскилиги ва муддатини ўтаб бўлганлиги учун таъмирталаб ҳолда. Шохобча майдони ўйдим-чуқур. Ёнилғи сақланаётган резервуарлар бегона ўтлар, қамиш-қиёқлар орасида қолиб кетган. Қисқаси, ҳукумат қарори чиққанига тўққиз ойдан ошган бўлишига қарамай бу жойда ҳеч қандай қулайлик яратилмаган. Оператор Хўжам Бобоқулов бизга ҳамроҳ бўлиб борган Навоий нефть маҳсулотлари шўъба корхонаси директорининг ўринбосари Абдулла Хўжамовни кўриб, бир ойдан буён ўйдим-чуқур жойларни текислатишга техника топилмаётганлигидан ёзғирди. Ўзини "Нафосат" хусусий фирмасининг иш юритувчиси деб таништирган Қодир Файзиев деган йигит эса таъмирлашни узоғи билан бир ойда "есть" қилишини, қурилиш ашёлари топилмай иш чўзилиб кетаётганлигини билдирди. Маълум бўлишича, қурилиш тақдири мана шу йигитга ишониб топширилган экан. Қизиқ, оператор ўйдим-чуқур жойларни текислашга техника, таъмирлашга масъул шахс қурилиш ашёларини қидириб юраверса, у ҳолда ҳукумат қарори қачон ижро этилади? Навоий нефт маҳсулотлари шўъба корхонаси раҳбарияти бу сусткашликлари билан ҳукумат қарори ижроси бўйича "Ўзнефтмаҳсулот" АКси раисининг шу йилнинг 2 февралида чиқарган 17-сонли буйруғини бажаришни ҳам кечиктириб юборган. Улар ушбу масалада Тошкент ёки Сирдарё вилоятларига келиб, фермерлар учун яратилган қулай инфратузилма шохобчаларини кўриб кетсалар яхши бўларди. Чунки кўп ўтмай ёғин-сочинли кунлар бошланади. Бу аҳволда фермерларга хизмат кўрсатишда эртага қўшимча ташвиш ва муаммолар туғилиши турган гап. Шундай экан, белгиланган барча ишларни тезда охирига етказиш тақозо этилади. Ўйлаймизки, "Ўзнефтмаҳсулот" акционерлик компанияси раҳбарияти ушбу масалани ўз назоратига олади ва ҳукумат қарори ижросини тўлиқ таъминлайди.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**"ЎЗДОНМАҲСУЛОТ" ДАК КОРХОНАЛАРИ, ЖАМОА, ШИРКАТ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

BARAKA

***"Барака" ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси уруғлик буғдойни қаттиқ ва чангли қоракуя касалликларига қарши дорилашда юқори самара берувчи "Барака" номли препаратни харид қилишни таклиф этади.***

***Препарат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Давлат кимё комиссия"си томонидан 2000 йил 25 августда № 50379 сон остида рўйхатга олиниб, кўзланган мақсадларда ишлатишга рухсат этилган.***

***Препарат токсикологик гигиена хулосасига кўра IV-чи синфга мансуб.***

***Ўзбекистон Республикаси "Давлат кимё комиссия"сининг 2002 йил 25 августдаги № 01-15-28-35-сонли "Баённома"сига асосан хўжаликларда, фуқароларга ажратилган ерларга экиладиган уруғлик буғдойни қаттиқ ва чангли қоракуя касалликларига қарши жойларда "Барака" препаратини қўллаб дорилашга рухсат берилган.***

**Препаратнинг 1 тонна уруғлик буғдойга сарф меъёри 0,4 килограмм.**
**1 килограмм препаратнинг нархи 10 минг сўм.**
**Харид қилинган препаратга сифат "Сертификати" берилади.**

*Фирма манзилгоҳи: Тошкент ш., Мухтор Ашрафий кўчаси, 108а-уй. Гуруч заводи бекати. Тел.: 93-00-10, 182-76-19.*

**Вниманию акционеров ОАО "SHODLIK"**

ОАО "SHODLIK" приглашает Вас на внеочередное общее собрание акционеров, которое состоится 30 сентября 2003 года с ранее объявленной повесткой дня, так как внеочередное общее собрание акционеров, назначенное на 28.08.2003 г. не состоялось в связи с отсутсвием необходимого кворума. Собрание состоится в конференцзале ОАО "SHODLIK" в 15-00 ч. по адресу г.Ташкент, ул.Пахтакорская, 5. Начало регистрации в 14-00 ч. Закрытие реестра акционеров 15.09.2003 г.
При себе иметь сертификат на владение ценных бумаг, паспорт.
Телефон для справок: 41-40-22; 120-72-92.

**НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ**

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги "NUR AKTIV" хусусий фирмаси тугатилмоқда. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги 253-мактаб томонидан 1995 йил 15 июнда Бакланова Альбина Константиновна номига берилган АО № 021574-рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан Саидов Хайрулла Зикирович номига берилган савдо-сотиқ билан шуғулланиш ҳуқуқи қайд этилган № 0522566-рақамли гувоҳнома ва Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигидан буюк бозорларида чакана савдо билан шуғулланишга рухсат этувчи ББ № 002271-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**"Давинком" Давлат инвестиция фирмаси томонидан давлат улуши ва давлат активлари эркин биржа савдосига чиқарилаётган акциядорлик жамиятларининг рўйхати.**

| № | Ҳудуд | Тармоқ ва акциядорлик жамияти номи | Низом жамғармаси (сум) | Номинал (сўм) | Савдога қўйилаетган акциялар сони (дона) | Низом жамғармасидаги ҳиссаси (%) | Бир дона акция баҳоси, (сўм) | Бошланғич таклиф баҳоси, минг сўмда |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Уз.автомобиль ва сув транспорти агентлиги | | | | | | |
| 1 | Самарқанд вилояти | <Самарқанд автошохбекати> | 73 538 000 | 1 000 | 73 170 | 99.50 | 1 203.37 | 88 050.58 |
| 2 | Наманган вилояти | Чуст шаҳар 57-сонли автокорхона | 29 290 000 | 1 000 | 7 322 | 25.00 | 3 851.45 | 28 200.32 |
| 3 | Наманган вилояти | <Поп тум.12-автокорхона> | 13 748 000 | 500 | 6 874 | 25.00 | 5 684.09 | 39 072.43 |
| 4 | Наманган вилояти | <38-автотранспорт корхонаси> | 21 144 000 | 500 | 20 458 | 48.38 | 4 763.55 | 97 452.71 |
| 5 | Наманган вилояти | <86-Автокорхона> | 4 853 000 | 460 | 2 638 | 25.00 | 4 932.38 | 13 011.62 |
| 6 | Самарқанд вилояти | <Самарқандоблтрансэкспедиция> | 5 791 800 | 2 100 | 690 | 25.02 | 33 913.05 | 23 400.00 |
| 7 | Самарқанд вилояти | <Таксомотор комбинати> | 18 756 000 | 500 | 9 378 | 25.00 | 2 027.09 | 19 010.05 |
| 8 | Самақанд вилояти | "Каттақўрғон" | 54 475 000 | 1 000 | 54 255 | 99.60 | 1 028.48 | 55 800.18 |
| 9 | Навоий вилояти | <Карвон> | 11 000 000 | 500 | 5 500 | 25.00 | 1 054.09 | 5 797.50 |
| 10 | Навоий вилояти | <Навоийский АТП> | 13 734 000 | 1 000 | 3 433 | 25.00 | 4 977.70 | 17 088.44 |
| | | Ҳудудийсаноатхўжаликқурилиш | | | | | | |
| 11 | Самарқанд вилояти | <ПМК-173> | 8 887 040 | 640 | 3 472 | 25.00 | 2 707.38 | 9 400.02 |
| | | Ҳокимиятлар | | | | | | |
| 12 | Самарқанд вилояти | <26-сон ХМИКК> | 30 000 000 | 1 000 | 15 000 | 50.00 | 1 933.34 | 29 000.10 |
| 13 | Самарқанд вилояти | <Чорватехсервис> | 5 273 000 | 1 000 | 1 318 | 25.00 | 3 148.72 | 4 150.01 |
| 14 | Самарқанд вилояти | <Chinor-SHKT> | 87 000 000 | 1 000 | 73 408 | 84.38 | 1 370.43 | 100 600.53 |
| 15 | Навоий вилояти | <Навоийгазсувқурилиш> | 16 000 000 | 2 000 | 4 760 | 59.50 | 2 833.08 | 13 485.46 |
| | | Узпаррандасаноат | | | | | | |
| 16 | Қашқадарё вилояти | <Истиқлол> | 12 500 000 | 100 | 31 250 | 25.00 | 730.20 | 22 818.75 |

**Пул маблағларингизнинг беҳуда сарф бўлишини истамасангиз, унда «Давинком» Давлат инвестиция фирмаси томонидан савдоларга чиқарилаётган акцияларни сотиб олинг! Акция - бу даромадингиз калити!**
**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 132-07-32**

# МУВАШШАҲ

Озод ШАРОФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Бу шеърият мудроқ қалбларни узилкесил уйғотди, занглаган ва муз қотган ҳисларни эритди, уларга кўпгина изтиробли дардларини унутишга ёрдам берди. Бу шеърият билан учрашиш юз минглаб одамлар учун чинакам шеърият байрамига айланиб кетди. Фақат тўпламлар эмас, айрим шеърлар ҳам маънавий ҳаётда ёрқин из қолдириб, узоқ вақт порлаб турди. "Булбул", "Қасамдара", "Темир одам", "Биринчи муҳаббатим"... Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Китобхонлар, айниқса ёшлар уларнинг пайдо бўлишини интиқлик билан кутишар, уларни нафақат шеърият кечаларида, балки ўзлари ёлғиз қолишганда ҳам ҳузур қилиб ўқишар, том маънодаги гўзал шеъриятга ошно бўлганларидан руҳиятлари бениҳоя бойиганини ҳис қилишарди. Ҳаммасини эмас, биргина "Онажон" шеърини айтай. Шеър 1966 йилда шоирнинг онаси Турди Карвон қизининг вафотига бағишланган марсиядир. У шунақа изтироб билан, шунақа самимий эҳтирос ва ҳаққонийлик билан ёзилганки, ҳозирга қадар ҳар қандай одамни ҳам ларзага сололади. Ўзбек шеъриятида онага бағишланган шеърлар кўп. Уларнинг ичида бениҳоя зўр қувват билан ёзилганлари ҳам бор. Назаримда, шулардан бири Миртемирнинг ўз онасига бағишланган шеъри эди. Бироқ Миртемир шеърини асло камситмаган ҳолда айтаманки, Абдулланинг "Онажон"и ундан беқиёс устун туради. Менга қолса, Абдулланинг бу шеърини Моцартнинг ўлмас Реквиумига таққосласа бўлади.

Хуллас, ўша йилларда ва кейинги 70-йилларда ҳам Эркин билан Абдулла том маънодаги улуғ шеърият яратишган ва ўзбек шеъриятини жуда юксак поғоналарга кўтаришган эди. Бу икки шоирнинг дурдона асарлари юз минглаб шеърият ихлосмандларининг бутун фикри-зикрини, ҳис-туйғуларини эгаллаб олганди – шоирларимиз қалбларнинг ҳукмдорларига айланган эди.

Аммо шўро замонида ҳукмрон мафкуранинг соғлом ақлга тўғри келмайдиган ғаройиб ўйинлари бўларди. Бу мафкура муҳиблари ўзларини истеъдодпарвар қилиб кўрсатишни яхши кўришарди, гўё уларга узлуксиз ғамхўрлик қилиш билан банддай кўринар эдилар. Аммо истеъдод эгаси бир бахя чегарадан чиқса, парвози ўта шиддатли бўлса, одамлар ва, айниқса, ёшлар ўртасида эътибори меъёрдагидан ортиқроқ кетса, дарҳол бундай ижодкорнинг оёғидан тортиб ерга тушириб қўйиш пайида бўларди, керак бўлса, бошига бир уриб, пачоқроқ қилиб қўйишдан ҳам тоймасди. Абдулланинг парвози эса борган сари шиддатли тус олиб бормоқда эди. Бунинг устига 60-йилларнинг иккинчи ярмида ҳукмрон мафкура нима сабабдандир кўп соҳаларда фаол ҳужумга ўтди: турли қарорлар қабул қилинди. Кўп ижодкорлар қораланди, анча масалаларда янги таъқиблар бошланди, етакчи партиявий газеталарда таҳдидлар ва пўписаларга тўла редакцион мақолалар, бош мақолалар эълон қилина бошланди. Бундай шароитда Абдулла ҳам ўзининг тегишли насибасини олмай қолмади. Тирноқ тагидан кир излайдиган мафкурапарастлар Абдулланинг бир қанча шеърига ва, айниқса, "Тилла балиқ"қа ёпишиб олишди. Кейинроқ эса баъзи бир ёзувчилар "Жаннатга йўл"ни ғоявий зарарли асар деб эълон қилишди. Бунақа зарбаларга дуч келмаган ёш шоир анча саросималикка тушди, бир қанча вақт қаламини қантариб қўйишга ҳам мажбур бўлди. ("Олти ойки, шеър ёзолмайман..."). Бахтимизга, унинг тушкунлик даври узоқ чўзилмади – катта-кичик, узоқ-яқин дўстлари Абдуллани тушкунлик ботқоғига ботиб кетишига йўл қўйишмади. Даҳшатли мафкура чиғириғидан бир марта ўтган шоир энди янада кескинроқ, янада ҳаққонийроқ шеърлар ёза бошлади.

Шундай шароитда Абдулла Ориповга ўша пайтдаги республика раҳбари Шароф Рашидов эътиборини қаратди. У Абдуллани ҳузурига чақирди, у билан узоқ суҳбатлашди, ёш ижодкорга унинг порлоқ истиқболини кўрсатиб берди, ва тўғридан-тўғри шахсан унга Дантенинг "Илоҳий комедия"сини таржима қилишни топширди. Республиканинг раҳбари шундай муомала қилса, ҳар қандай одамнинг ҳам кўнгли кўтарилиб, ҳатто эсанкираб қолиши ҳеч гап эмас. Абдуллажон унинг гапларини, топшириғини дастурил амалдай қабул қилди. Шароф Рашидов ёш шоирга бошқа илтифотлар ҳам кўрсатди. Абдулла енг шимариб, бу топшириқни бажаришга киришди. Билмадим – Шароф Рашидов Абдуллага бу ишни топширганда нимани кўзда тутди, қандай нияти бор эди – буларни билмайман. Лекин Дантенинг асари жуда катта асар эди (унинг таржимаси ҳали ҳам тугагани йўқ), уни битириш учун жуда катта билим, қунт, ҳафсала керак эди. Нима бўлганда ҳам шундан кейин шоир илҳомининг аввалги замзамалари бироз пасайгандек бўлди, ёзган шеърлари ҳам баъзан юрак қаъридан чиқмай, авжи паст қўшиқдай сустроқ чиқа бошлади, шоир ижод изтиробларига тушганда аламини бошқа нарсадан оладиган, нажот кўприкларини қидирадиган бўлиб қолди. Ниҳоят, бир неча йил ўтгач, таржима тугади – Абдуллажон "Илоҳий комедия"нинг биринчи китобини зўр маҳорат билан, юксак шоирона руҳда таржима қилган эди. Лекин айни чоғда, аввалги даражада кишини ларзага соладиган шеърлар камайгани сезилади. Мен бу гапларни таъна тарзида айтаётганим йўқ, негаки, биламан, ҳар қандай истеъдодли ижодкорнинг ижоди ҳам муттасил кўтарилишдан иборат бўлмайди. Ижод йўли ғоятда мураккаб йўл – унда тушишлар ва кўтарилишлар алмашиниб туриши табиий. Биз мухлислар эса, енгил-елпи хулосалар чиқариб, шоирни алқаш ёки унга дашном беришдан аввал уни тушунишга ҳаракат қилсак, унга ҳамдард бўлишга тиришсак яхшироқ бўлади.

## ОРИФ БОБО ВА ТУРДИ МОМО ҲАҚИДА СЎЗ

Табиийки, Абдулла билан ўртамиздаги муносабатлар тез орада оддий домла-шогирдлик муносабатлари рамкасидан ўсиб чиқди. Абдуллажон бошқа шоир ва адибларнинг ҳам ҳурматини қозонди. Улар ҳам Абдуллажонга энг яқин – қариндошларига, туғишган укаларига қарагандек қарай бошладилар. Абдуллажон анчадан бери бизни Қашқадарёга ўзи туғилиб ўсган қишлоққа таклиф қиларди. Ниҳоят, бунинг вақти-соати 1966 йилнинг эрта баҳори экан – Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, мен ва Абдулла Орипов биргаликда Қаршига келдик. У ерда бизга ўша кезларда Қаршида ишлаётган Абдуғофир Расулов қўшилди. Сафаримиз хусусий меҳмондорчиликка ўхшамасин деб, Қарши пединститутида учрашув қиладиган бўлдик. Институт домлалари бизни илиқ кутиб олишди. Институт яқинида ботаникларнинг меҳмонхонаси бор экан – ҳаммамизга ўша ерда жой тайёрлаб қўйишган экан. Ўша кезларда Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаётган Қурбоновнинг Қаршидаги уйи шундоққина биз тушган меҳмонхонанинг рўпарасида экан. Биз борган кунлари у кишининг оналари қазо қилган бўлиб, уйларида фотиҳагарчилик бўлиб турган экан. Албатта, биз ҳам фотиҳага кирдик. Билмадим, фотиҳа эгалари бизни танишдими-йўқми, ҳарҳолда бошдаги шляпаларимиз ва бўйинбоғларимизни кўриб ичкари уйга олишди. Хона ичида ҳам дастурхон тузалган экан. Биз дастурхон теварагига ўтирдик. Чой келтиришди. Нонлар ушатилди. Лекин ҳеч ким тиловат қилгани йўқ. биз уй эгаларига қарадик, улар бизга қарашди. Мен "тиловат қилинмайдими?" деб сўрамоқчи бўлгандим, Асқад ака мени қайтарди. "Шошманг, Озоджон, шошманг, ўзлари билишади". Тиловат қилинмади. Бироздан кейин фотиҳага қўл очиб, ўрнимиздан кўтарилдик. "Ҳа, энди, қозончининг ихтиёри ўзида қайдан қулоқ чиқарса..." деган мақол эсимга тушди.

Неккўзда бизни кутиб туришган экан. Қишлоқ поёнсиз адирлар бағрида жойлашган. Эрта баҳорда борганимиз учун ҳар томон ям-яшил – худди ўркач-ўркач тўлқинлари қотиб қолган яшил денгизга ўхшайди. Бу ерларнинг ҳусн-таровати йилда бир марта очиладиган гулга ўхшаб фақат баҳор чоғидагина ўзининг бетакрор латофатини тўла намойиш этади. Аммо баҳор ўтиши билан ҳаммаёқ офтобнинг қақшатқич тафти остида қовжираши, бир хил, кишини сиқиб юборадиган даражада якранг тусга киради. Неккўз Қаршидан унча узоқда эмас экан. Кўп ўтмай етиб бордик. У бизга зангори денгиз ўртасидаги бир оролчадай туюлди.

Абдуллажонларнинг ҳовлиси анча кенг экан. Ҳовлида қатор қилиб қурилган бир қаватли лойсувоқ уйлар. Дарахт йўқ ҳисоб! Хонадон бошлиғи жиккаккина Ориф ота бизни дарвоза олдида қучоқ очиб кутиб олди. Биринчи марта кўришаётган бўлсак-да, эски қадрдонлардек бир лаҳзада тил топишиб кетдик. Серҳаракат, симобдой бир жойда тиниб туролмайдиган, жуда сўзамол бу одам кўп йиллар мобайнида қишлоқнинг каттаси бўлган экан. Унинг гаплари маънодор, том маънода ўзбекона, яъни тагдор ва образли эди. Ҳовлига кирдик. Ҳовлида Турди момо билан кўришдик. У ҳам жуссаси кичик, лекин истараси иссиқ. Юзларида ажин кўп, устидаги кийимлари одми - дашт аёлларининг одатдаги кийимларидан. Кўзлари ғоятда маънодор чақнайди. Бу аёлнинг бутун вужудидан меҳр ёғилиб турарди. У тўрт ўғил, тўрт қиз кўрган экан. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам унинг учун жуда азиз, суюкли. Лекин ўғилларнинг кенжаси Абдуллажон суюкларнинг суюклиси эди. У ўғлининг теграсида парвона бўлар, уни еру кўкка ишонмас, ўтқазгани жой тополмасди. Назарида, Абдуллажон ҳали ҳам жуда ёш, ўзини эплаб юролмайди, бир зум она қарамаса, бирон шўхлик қилиб, азият чекиб қолиши мумкин. Айни чоқда, онанинг Абдуллажондан мамнун экани, ундан ғурурланиши ҳам яққол сезилиб турарди. Бугун унинг хонадонига ўғли туфайли Тошкентдай шаҳри азимдан унинг домлалари ва қаламкаш дўстлари кириб келганидан боши осмонга етган эди.

Турди момо қўлини очиб ҳаммамизни узоқ дуо қилди, ҳаммамизга яхши тилаклар тилади, ҳаммамиз қатори фарзандларига ва, айниқса, Абдуллажонга ҳам яхши тилаклар тилади. Кейин бу ҳовлидан ташқарига чиқдик. У ерда кенг бедапояда бизга жой тайёрлаб қўйишипти. Жой деганимиз бедапояга ёзилган каттагина қўлбола гиламдан иборат эди. Унинг тўрт томонига кўрпачалар тўшалган семиз-семиз ёстиқлар, болишлар қўйилган, ўртада дастурхон, унинг усти турли-туман мева-чевага, қанд-қурсга тўла эди. Ёнверимизда бирон туп дарахт йўқ, тепадан баҳор қуёши жизғанак қилиб куйдирмаса-да, ҳар ҳолда сезиларли тарзда қиздириб турипти. Даврамизда қишлоқ оқсоқолларидан ҳам бир-икки киши бор эди, Қаршидан бир-иккита домлалар билан шоир Умаржон Исмоилов билан Сувон Соқиевлар ҳам бирга келишган.

(Давоми келгуси сонларда)

Жаҳон адабиёти

# ҚАЛБ САДОЛАРИ

***Авар халқининг дунёга машҳур шоири Расул Ҳамзатов 80 ёшга тўлди. Унинг қалб ҳарорати билан ёзилган шеърий тизмалари жаҳон адабиётининг энг нодир, энг бебаҳо намуналарига айланди.***

*Расул Ҳамзатовнинг "Юксак юлдузлар", "Доғистоним" сингари бир қатор шеърий тўпламлари ўзбек шеърият мухлислари томонидан ҳам илиқ кутиб олинган. Шоирнинг баҳор ҳавосидек тиниқ, кишини гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд қилгувчи қуйма сатрлари ҳамон севиб ўқилади, севиб ёд олинади.Сиз, муҳтарам газетхон эътиборига шоирнинг шеърларидан намуналар ҳавола этилмоқда.*

## ОНАМГА

Тоғда ўсдим,
Шумтакалигим
Билар эди яқину йироқ,
Қайсар эдим, бас келмас ҳеч ким,
Сўзларингга осмадим қулоқ.
Бироқ йиллар ўтди...
ўтди ўт ёшлик,
Ҳеч нарсани писанд қилмасдим.
Энди бўлса ҳузурингда тек,
Бир гўдакдек сезаман ўзим,
Иккаламиз танҳомиз мана,
Қалбимизда йўқ ғам-ғашдан нишон.
Сенинг юмшоқ кафтингга яна
Оқсоч бошим қўяй онажон.
Дил ўртанур, дилимда ғаш бор,
Бошбошдоқлик қилгандир асир.
Дурустгина сенга эътибор –
Қилолмадим, бу эмасдир сир.

Ҳаёт бу дам бўлиб гирдобдай,
Олиб кетур комига солиб.
Дил сиқилур яна пайдар-пай,
Онам, сени унутдимми деб.
Сен бўлсанг-чи қилмасдан таъна,
Кўз ташлайсан хавотирланиб.
Хўрсиниб гоҳ, билдирмай она,
Артасан кўз ёшинг ўртаниб.
Юлдуз сўнгги манзили томон
Учиб борар солиб кўкка из.
Ўғлинг келиб, қўяр, онажон,
Оқ соч бошин кафтингга бу кез.

***

Халқимда азалдан бор шундай масал:
Сўз билан яралган, дейдилар дунё.
Бу сўз амр эдими ва ёки қасам,
Ёки лаънатмиди, ёинки дуо?
Майли дунё учун умримиз фидо,
Унинг кўксида-чи, сонсиз жароҳат.
Шундай бир сўз беринг, лаънатми, дуо,
Ё қасам. Дунёни қутқарсин фақат.

## ДОҒИСТОНИМ

(Достондан парча)

Йўлга чиққан ҳар одам
Қуруқ чиқмас бегумон.
Нон олади, шароб ҳам.
Аммо азиз эй меҳмон,
Тоғларга йўл тутсанг гар
Кел хуржунни тўлдирмай.
Тоғ дилбари нон ёпар,
Тоғ йигити тутар май.
Йўлга чиққан ҳар одам
Қуруқ чиқмас бегумон.
Олар ўткир ханжар ҳам.
Аммо азиз эй меҳмон,
Ханжар тутма қўлингга,
Ханжар сенга на даркор?
Душман чиқса йўлингга
Бил, тоғликда ханжар бор.
Йўлга чиққан ҳар одам
Қуруқ чиқмас бегумон.
Олар қўлга қўшиқ ҳам.
Эшит, азиз эй меҳмон.
Соз қўшиққа бой бу эл,
Куйлар бизда кўп, аммо –
Қўшиғингни олиб кел,
Қўшиқ керак доимо.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

### ЧОЙ

***Чой етиштириш сирини дастлаб хитойликларгина билишган.***

IX асрда эса уни японлар ўзлаштирган. 1824 йилга келиб, Ява оролида голландияликлар ҳам бу ўсимликни эка бошлаганлар.

Чой ўсимлиги 1834 йилдан Ҳиндистонда, 1842 йилдан бошлаб Цейлонда ўстирила бошланди. Чой V асрда Хитойда доривор ўсимлик сифатида пайдо бўлган. Орадан 200 йил ўтгандан сўнггина одамлар ундан ичимлик тайёрлашни ўрганишди. Яна минг йилдан кейин у Европада кенг тарқала бошлади.

Қадимда ҳарбийлар чойни чарчоқни тарқатувчи ва очликда қувват берувчи омил, деб билишган. Шунга кўра, инглиз қўшинларида кундалик чой меъёри бир аскарга 25 грамм бўлган.

Чой Европадан дастлаб 1517 йилда Португалияга, 1610 йилда Голландияга, 1638 йилда Россияга келтирилган. Англияда чойхўрлик тарихи 1664 йил, Ост-Индия компанияси савдогарлари қирол Карл II га икки қадоқ чой тақдим этганларидан кейин бошланган.

### ИНТЕРНЕТЛИ СОАТ

***Ихтирочилар янги соат яратди.***

Бу соат бутунжаҳон компьютер тармоғига улана олади. Motorolla компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бу соатлар асосан матнли хабарларни қабул қилишга мўлжалланган. Шунинг учун ҳам улар Internet Messonger Wateh деб ном олди. Қурилма одатий SMS – хабарларидан ташқари сўнгги янгиликлар, спорт, об-ҳаво маълумоти, поездлар қатнови маълумотларини қабул қила олади. Бу соатларнинг хотираси 1350 байт ва 100 та белгигача бўлган ахборотларни олиш имкониятига эга.

Хонбиби МАҲАМОВА тайёрлади.

СИРЛАШУВ



Н.МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

# SPORT OLAMIDA

## ЯНГИ МАРКАЗ

***Шарқ якка кураши ва жанговар спорт турларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси қошида Шарқ якка кураши ва жанговар спорт турларини ривожлантириш маркази фаолият бошлади.***

Бундан мақсад каратэ, таэквандо, кикбоксинг, айкидо сингари спорт турлари билан шуғулланаётган болажонлар ҳамда ўсмирларга тўғри йўлланмалар беришдир. Сабаб ушбу спорт турлари билан нотўғри шуғулланиш оқибатида эндигина вояга етаётган ёш организм шикаст топиши ҳам мумкин. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида мутасаддилар иштирокида уюштирилган йиғилишда юқоридаги масалаларни ҳал этиш тадбирлари ҳамда янги марказнинг келгуси режалари хусусида сўз борди.

## ҒОЛИБЛАР

***Қарши шаҳридаги "Меҳнат" теннис кортида таэквандо бўйича ташкиллаштирилган турнир истиқлолнинг 12 йиллигига бағишланди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган 150 нафар таэквандочи иштирокидаги беллашувлар мухлисларда катта таассурот қолдирди.***

Муросасиз ва қизиқарли кечган баҳслар якунида биринчи ўринга Қарши шаҳар таэквандочилари лойиқ, деб топилган бўлса, пойтахтлик спортчиларга иккинчи ўрин насиб этди. Жиззахлик ва бухоролик спортчилар эса учинчи ўринлар билан кифояланишди. Ғолибларга совринлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

## БОЛАЛАРГА СОВҒА

***Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Файзулла Хўжаев номли маҳаллада янги спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.***

Маҳалла болаларига муносиб совға сифатида бунёд этилган ушбу спорт мажмуида волейбол, баскетбол, қўл жанги майдончалари билан бирга ювиниш, дам олиш хоналари ҳам мавжуд. Шуниси қувонарлики, ушбу мажмуада спортнинг бир неча турлари билан маҳалладаги болалардан ташқари Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ходимлари ҳам шуғулланадиган бўлишди. Дарвоқе, яқин орада мажмуа қошида ошхона қуриш ҳам мўлжалланган.

## АНЪАНА БУЗИЛДИ

***Иккинчи давра бошлангандан буён мағлубият нималигини билмай фақат ғалаба қозониб, мамлакат XII миллий чемпионати бронза медалларига даъвогарлик қилаётган Наманганнинг "Навбаҳор" жамоаси футболчиларига 24-тур беллашувларида омад кулиб боқмади.***

"Пахтакор" марказий ўйингоҳида мамлакатимизнинг етакчи жамоаси, турнир жадвали карвонбошиси билан куч синашган наманганликлар баҳсда муҳим 3 очкодан маҳрум бўлишди. Аввало, шуни айтиб ўтиш жоизки, Виктор Жалилов шогирдлари ҳам рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишди. Майдонда тўпни олиб юриш, бир-бирига аниқ узатиш рақиблар дарвозасига ҳужум қилишда "Навбаҳор" "Пахтакор"дан қолишмаслигини исботлашга уринди. Аммо, майдон эгалари ҳозирча Осиёда биринчи жамоа деб тан олинганликлари бежиз эмаслигини мухлисларга яна бир бор намойиш этишди. Барибир, тезкорлиги ва маҳорат бобида рақибларидан устун эканликлари сезилиб турган "Пахтакор"чилар "Навбаҳор" дарвозасига гол йўллашга муваффақ бўлишди. Ишқибозлар қувончига қувонч қўшиб наманганликларни майдондан бош эгиб чиқишга мажбур этган, ягона голни ҳужумчи Марат Бикмаев киритди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. "Металлург" - "Насаф" 1:1, "Қизилқум" - "Бухоро" 2:0, "Гулистон" - "Андижон" 1:0, "Машъал" - "Қўқон-1912" 3:2, "Дўстлик" - "Нефтчи" 1:3, "Сурхон" - "Трактор" 3:1, "Цементчи" - "Самарқанд-Динамо" 2:2. Навбатдаги 25-тур учрашувлари 27 сентябрда бўлиб ўтади.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

# ПАҲЛАВОН МАҲМУД ИБРАТИ

(Боши 1-бетда)

Аммо шу пайт ҳинд полвонининг онасига берган ваъдаси эсига тушиб рақибини бошидан ушлаб ўзига тортиб олди, юқорига кўтарганча ўз тиззасини ерга букиб, "йиқилдим" деган ишора билан кураш майдонидан чиқиб кетади. Буни кузатиб турган Хоразм шоҳи шу ондаёқ бир мулозим юбориб, "Айтгин, қайтиб Хоразмга қадам босмасин", деб буйруқ беради.

Маҳмуд шу кўйи узоқ вақт ватанидан олисда ўзга юртда қолиб кетади. Кунларнинг бирида ҳинд ерига тоғликлар босиб киради. Жанг бошланади. Қизғин олишувлардан бирида ҳинд подшоҳи Рой Ропай Чўна танг аҳволда қолади. Жангда Маҳмуд уни ўлимдан қутқаради. Шоҳ Рой Ропай Чўна миннатдорчилик тариқасида унинг тилагини сўрайди.

Менга на олтин, на ёқут керак, - дейди у ражага. – Фақат бир вақтлар Ҳиндистонда асир тушган хоразмликларни озод қилсангиз, мен уларни юртимга олиб кетсам. Ҳинд подшоҳи Паҳлавон Маҳмуднинг илтимосини бажо келтириб хоразмлик тутқунларни озод этади, йўл харажатларини бериб иззат-икром билан Хоразмга кузатиб қўяди.

Паҳлавон Маҳмуд пўстиндўзликдан тушган даромадини, курашдаги ғолиблик учун олган мукофотларини шаҳардаги етим-есирларга ва кўзи ожизларга сарф қилган эканлар.

Тириклигиданоқ валий даражасига кўтарилган Паҳлавон Маҳмуд оламдан ўтгач, қабри тепасига муҳташам мақбара кўтарадилар. Бу улуғ бобомиз қабри муқаддас зиёратгоҳга айланган. Бу кун бу ерга келган инсонлар Полвонпир ҳилхонасига фақат нақшинкор қабрини тавоф қилиш учунгина келмайдилар.

Бу ердан фарзанд тилаб армони ушалган оналар, ногирон ҳолда келиб ўз оёғи билан юриб кетган инсонлар, ҳаётининг оғир дамларида маънавий мадад тилаб орзусига етганлар, мақсадлари ҳосил бўлганлар ҳисобсиз.

Марҳамат МАТВАФОЕВА,
Биология фанлари номзоди,
Ботаника ИИИМ.

# КЕЧИРИМЛИ ДУНЁ

(Боши 1-бетда

Бу бир ибратли ҳикоят. Уни Бухоронинг чекка қишлоқларининг бирида яшовчи Шавкатжон эшитганми? Буниси бизга номаълум. Лекин унинг "хотиним онам билан жанжаллашиб кетиб қолибди, демак, мени ҳурмат қилмайди, ажрашаман", деб туман фуқаролик ҳолатлари далолатномаси ёзиш бўлимига бир неча бор мурожаат қилгани айни ҳақиқат.

Йигирма тўрт баҳорни қаршилаган бу йигит ҳаётни нега бунчалар енгил тушунади, нега ўзининг, жуфти ҳалолининг тақдирига ўз қўли билан раҳна солади? Оила шаъни, йигитларга хос босиқлик қаерда қолди, ахир, деб ўйланиб қоласан, киши.

Каримнинг тақдири эса бутунлай бошқача кечди. У 1992 йилда Шоҳиста билан оила қурди. Бирин-кетин уч фарзанд кўришди. Туриш-турмушлари эл қатори, кўпдан кам эмасдилар. Карим ишдан ҳориб уйига – оиласи бағрига ошиқар эди, аммо иш ва рўзғор ташвишлари билан овора бўлиб, хотинидаги ўзгаришларни пайқамай қолди. Қуш уясида кўрганини қилади", деганлари рост экан. Шоҳиста онаси, акаларига эргашиб, тижорат этагидан тутди. Карим даставвал кўнмади. Бироқ хотинининг "Фалончининг видеоси бор, импортний мебель қачон оламиз?", деган хархашаларини эшитавериб, тоқати тоқ бўлди ва "Билганингдан қолма", деб юборди...

Мана, орадан икки йилча вақт ўтиб, ўшанда у қаттиқ адашганини, аллақачон ғишт қолипдан кўчганини ўйлаб ўтирибди. "Хотиним пул топиш йўлига ўтдию мени менсимай қўйди. Акаларига айттириб бир неча бор урдирди, - деб ёзади у туман судига йўллаган аризасида. – Никоҳимизни бекор қилишингизни сўрайман".

Карим-ку адашган, ўзи айтмоқчи, бўшлик қилган экан, Шоҳиста-чи? Наҳот, у яшашдан мақсад фақат мол-дунё орттириш, деб ўйласа. Нега у – собиқ педагог ҳаётни шунчалар жўн, юзаки тушунади? Ва ниҳоят, наҳотки, бир-биридан ширин фарзандларини тирик етимлик кўчаси сари етаклаётгани ҳақида ўйламайди?

Қарияларнинг панд-насиҳатлари зое кетди. Ўйлаб кўриш учун берилган олти ойлик муддат ортда қолди. "Аризадаги даъволарни қисман тан оламан, - деди Шоҳиста судда. – Турмуш ўртоғим билан тез-тез жанжаллашиб турамиз. Ажраламан..."

Суд бундай ҳолатда оилани сақлаб қолиш имконияти йўқ, деб ҳисоблади. Вояга етмаган уч гўдак чирқиллаб қолди.

Жамият ўзига тинч, баркамол оилалар билан мустаҳкам. Биз юқорида қаламга олган икки воқеа эса мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшлар учун сабоқ бўлсин. Зеро, бу кечиримли дунёдир.

Истам ИБРОҲИМОВ


Ўзбекистон Ветеринария илмий-тадқиқот институти
2003 йилда қуйидаги мутахассисликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

*03.00.19. – Паразитология; 09.00.20. – Гельминтология; 16.00.02. – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси; 16.00.03. – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси ва иммунологияси.*

*Ҳужжатлар 15 октябргача қабул қилинади.*

**Манзил: Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани, Тайлоқ қўрғони, ЎзВИТИ, телефон: 8(3662) 30-01-02, 30-01-10.**


Газетанинг навбатдаги сони 26 сентябр, жума куни чиқади.


Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-821, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6